

Маданий мерос агентлигига 2025 йил давомида (I-IV чорак) келиб тушган коррупция фактларига доир мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари юзасидан
ҲИСОБОТ

I. Умумий маълумот

Маданий мерос агентлигига 2025 йил давомида (I-IV чорак) коррупция фактларига доир жами **8 та** мурожаат келиб тушган. Ушбу мурожаатларнинг **2 таси** Президент ишонч телефони орқали, **1 таси** Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, **2 таси** почта орқали, **1 та** мурожаат murojaat.gov.uz портали орқали келиб тушган бўлса, **2 та** мурожаат Агентликнинг ишонч телефони орқали келиб тушган. Агентликнинг [@madaniymerosmurojaat_bot](https://t.me/madaniymerosmurojaat_bot) орқали ҳеч қандай мурожаат келиб тушмади.

Мазкур мурожаатларнинг **2 таси** Сурхондарё вилояти, **2 таси** Самарқанд вилояти, **2 таси** Наманган вилояти ва **2 таси** Тошкент шаҳридан келиб тушган.

II. Кўриб чиқиш натижалари

Мазкур мурожаатлар белгиланган тартибда кўриб чиқилди ва **7 та** мурожаат юзасидан тушунтириш берилди, **1 та** мурожаат жойига чиққан ҳолда ўрганилиб, ўрганиш натижаси юзасидан масъул шахсларга тегишли интизомий жазо чоралари қўлланилди.

III. Минималлаштириш чоралари

Юқоридаги мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнида аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича тегишли вазифалар белгилаб олинди ва уларни амалга ошириш юзасидан масъулларга аниқ топшириқлар берилди.